

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сон «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ-440-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ЎРҚ-441-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир



П. Бобожонов

Тошкент ш.,  
2018 йил «06» 06  
154-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг  
2018 йил 6 июндаги  
154-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш  
туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қондаларига  
кiritилаётган ўзгартиришлар**

1. 81-банддаги «1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори (Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 4-сон, 18-модда)» деган сўзлар «2016 йил 14 ноябрдаги 387-сон қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 154-банддан «қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 241-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«241. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда муҳрланган тарзда йигирма тўрт соатдан кечиктирмай юборилади, телеграммалар эса дарҳол юборилади.».


4. 495-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«495. Маҳкумнинг жасади унинг қариндошларига ЖИЭМ маъмурияти томонидан ЖПКда назарда тутилган тегишли терговга қадар текширув, шунингдек суд-тиббий экспертизаси ўтказилгандан сўнг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажримига асосан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилади.».

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.



**Бош прокурор**



*[Handwritten signature]*

**О. Муродов**

2018 йил « 6 » июль

**Олий суд раиси**



*[Handwritten signature]*

**К. Камилов**

2018 йил « 6 » июль

**Соғлиқни сақлаш вазири**



*[Handwritten signature]*

**А. Шадманов**

2018 йил « 6 » июль

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**



*[Handwritten signature]*

**Ш. Кудбиев**

2018 йил « 6 »

